

МЕХРИБОНЛИК УЙИ ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРИНИ ИЖТИМОИЙЛАШТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2021.15.72.054>

Зоҳид Алимардонов,

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиг университети кафедра
бошлиғи в.в.б., п.ф.ф.д. (PhD), доцент

Ғайрат Икматуллаев,

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиг университети кафедра
доценти, п.ф.ф.д. (PhD)

ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ И ПРАКТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ СОЦИАЛИЗАЦИИ ДЕТЕЙ-СИРОТ

THEORETICAL AND PRACTICAL ASPECTS OF SOCIALIZATION OF ORPHANS

Аннотация: Ушбу мақолада Мехрибонлик уйи тарбияланувчиларини ижтимоийлаштиришнинг назарий ва амалий жиҳатлари, бу борадаги муаммолар, олимларнинг илмий тадқиқот ишлари ҳақида сўз борган. Тарбияланувчиларни ижтимоийлаштириш борасида таклиф ва тавсиялар илгари сурилган.

Калит сўзлар: Мехрибонлик уйи, болалар шаҳарчаси, ижтимоийлашув, шахс, бола, оила, фостер оила, патронат, жамият, ота-она, тарбиячи, ўқитувчи.

Аннотация: В статье рассматриваются теоретические и практические аспекты социализации детей-сирот, проблемы в этой области, исследовательская работа ученых. Выдвинуты предложения и рекомендации по социализации школьников.

Ключевые слова: детский дом, детский городок, социализация, человек, ребенок, семья, приемная семья, патронат, сообщество, родитель, воспитатель, педагог.

Annotation: The article examines the theoretical and practical aspects of the socialization of orphans, problems in this area, research work of scientists. Suggestions and recommendations for the socialization of schoolchildren are put forward.

Key words: orphanage, playground, socialization, person, child, family, foster family, patronage, community, parent, educator, teacher.

Инсоннинг ривожланиши, шахс сифатида камол топиши ва жамиятда ўз ўрнини эгаллашида, умуман олганда, унинг ижтимоийлашувида оила муҳим ўрин эгаллайди. Оиласида қадрият ва анъаналар, ота-она ва яқинлар томонидан кўрсатиладиган меҳр, ғамхўрликдан инсон куч олиб, вояга етади, ҳаётда ўз ўрнини эгаллайди. Оила муҳитидан узоқда вояга етган



Мехрибонлик уйи тарбияланувчиларида бу борада муаммолар кузатилади.

А.Д.Киргинцеванинг фикрича, “Бола учун оила – жисмоний, психологик, ҳиссий, интеллектуал ва ижтимоий шаклланишнинг энг қулай мухити хисобаланади” . Бола оиласида ўзининг биологик ва социал эҳтиёжларини қондиради, ўзининг мақомини белгилайди, ўзининг турли ижтимоий ролларда қўллади.

Шу ўринда, “Мехрибонлик” уйи тарбияланувчилари ҳаётида уларнинг тарбияланувчилари мухим ўрин тутишини алоҳида таъкидлаш лозим. Ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, “Мехрибонлик” уйи тарбияланувчиларининг асосий ёрдамни ўқитувчи (41,4 фоиз) ва тарбиячилар (79,8 фоиз) дан олиши (гимназияда таълим олувчилар эса қариндошлар (59,2 фоиз) ва синфдошлари (55,1 фоиз)дан) тарбиячиларнинг ижтимоий мақомини ўзида акс эттиради . Айнан тарбиячилар қийин ҳаётний вазиятга тушиб қолган “Мехрибонлик” уйи тарбияланувчилари учун ота-она ўрнини босишади. Асосий ёрдам ва қўллаб-қувватлашни амалга оширишади.

Олиб борилган тадқиқотлар натижаларига кўра, интернат муассасаларидан чиқсан болаларнинг 40 фоизи жиноятчи, 40 фоизи гиёхванд бўлишар, 10 фоизи ўз жонига қасд қилиш йўли билан ҳаётига нуқта қўйишар экан. Фақат 10 фоизигина мустақил ҳаётга тайёр бўлишаркан .

Илмий адабиётларда келтирилишича, “Ижтимоийлашув” атамасини биринчи булиб америкалик социолог Ф. Г. Кеддингс инсонларга нисбатан қўллаган. У “Ижтимоийлашув назарияси” (1987) китобида ҳозиргига яқин маънода “ижтимоий табиат ёки индивид характерини ривожлантириш, инсонни ижтимоий ҳаётга тайёрлашдир” деган фикрни билдиради .

П.ф.д., профессор Н.М.Эгамбердиеванинг фикрича, агар шахснинг жамиятга кириш ида мослашув ва индивидуаллашув жараёнлари ўртасида тенглик юзага келса, инсоннинг жамиятга яқинлашуви рўй беради. Шу билан бирга, бундай ҳолларда шахс ва мухитнинг ўзаро таъсир этиши ҳам содир бўлади .

Мехрибонлик уйи тарбияланувчиларининг ижтимоийлашуви масаласи қатор олим ва тадқиқотчиларнинг обьекти сифатида ўрганилган. Хусусан, Ў.М.Аскарова Мехрибонликуйларитарбияланувчиларини ижтимоий ҳаётга тайёрлашнинг педагогик механизmlари ни, Г.Р.Юсупова Мехрибонлик уйлари тарбияланувчиларида толерантлик фазилатини шакллантириш технологияси ни, И.О.Хайдаров Мехрибонлик уйида тарбияланувчилар шахсининг инвидуал ва ижтимоий психологик хусусиятлари ни тадқиқ қилган.

Ў.М.Аскарова Мехрибонлик уйлари тарбияланувчиларини ижтимоий ҳаётга тайёрлашнинг таркибий асослари патронат хизматни ташкил этишининг микроомиллар билан интегратив уйғунлигини таъминлаш зарурлигига, Г.Р.Юсупова Мехрибонлик уйлари тарбияланувчиларида толерантлик фазилатларини шакллантиришга доир ижтимоий-педагогик фаолият мазмунини ёритиб беришга эътибор қаратган. И.О.Хайдаров Мехрибонлик уйларида тарбиялананаётган болалар ҳаётининг, турмуш тарзининг, яшаш шароитларининг ўзига хослиги, уларнинг индивидуал

психологик, ижтимоий психологик хусусиятларининг шаклланишига таъсири кўрсатишни илмий жиҳатдан асослаб берган.

Ў.М.Асқарованинг “Модернизациялашган тарбия тизимини ишлаб чиқишининг илмий асослари фундаментал тарзда ёритиб берилимаганлиги республикамизда меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини ижтимоий ҳаётга тайёрлашнинг педагогик механизmlарини такомиллаштириш долзарб масала эканлигини кўрсатади” , деган фикрларига тўла-тўкис кўшилиш мумкин.

Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини ижтимоий ҳаётга тайёрлаш механизmlарини такомиллаштиришга доир хорижий олимлар Дж.Боулби, К.Броун, У.Гольдфарб, Е.Дональдсон, Р.Джонсон, С.Нелсон, Р.КАртерлар томонидан амалга оширилган . Мазкур илмий изланишларда етим ва ота-она қарамоғисиз қолган болаларда юзага келадиган эмоционал хулқ-автор ва интеллектуал муаммолар, оила типидаги болалар уйларини ташкил этишнинг ижтимоий-психологик механизmlари аниқлаштириб берилган.

Маълумотларга кўра, бугунги кунда мамлакатимизда 3 та Болалар уйида 560 нафар, 16 та Меҳрибонлик уйи ва 4 та Болалар шаҳарчасида 1 минг 823 нафар, 86 та маҳсус мактаб-интернатда 21 минг нафар ўғил-қизлар тарбияланмоқда. Бундан ташқари, 79 минг нафар болалар ҳомийлик, васийлик ва оила патронати қарамоғига олинган .

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 28 июль куни ўтказилган ногиронлиги бўлган, ота-она қарамоғидан маҳрум ва етим болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кенгайтириш ҳамда ижтимоий нафақаларни такомиллаштириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилишида сўнгги ўн йилда Меҳрибонлик уйлари ва Болалар шаҳарчалари бити्रувчиларининг 51 фоизига уй-жой ажратилганлиги, Меҳрибонлик уйларидан чиқсан йигит-қизларнинг 64 фоизи иш билан таъминланганлиги ва таълим-тарбия сифати ҳам юқори эмаслиги таъкидлаб ўтилди.

Меҳрибонлик уйларидаги болаларни оиласа яқин мухитда тарбиялаш, билим ва маънавиятли, ватанпарвар инсонлар этиб вояга етказиш мақсадида янги тизим жорий қилиниши белгиланди. Унга кўра, 16 та Меҳрибонлик уйи ва 4 та Болалар шаҳарчаларида ёшларнинг таълим-тарбиясига Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси масъул бўлиши, бунинг учун қўмондон ўринбосари лавозими жорий этилиб, алоҳида бошқарма ташкил этилиши қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни тарбиялашнинг тубдан янгилangan тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5215-сон Қарори га мувофиқ «Меҳрибонлик» уйлари, Болалар шаҳарчалари, оиласи болалар уйлари ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимининг Болалар уйлари Миллий гвардияга бириктирилди.

Миллий гвардия марказий девони тузилмасида ўқув-тарбия муассасаларида ёшларнинг таълим ва тарбия олиш жараёнларини ҳамда уларнинг бўш вақтини самарали ташкил этишга масъул Миллий гвардия қўмондонининг ўринбосари лавозими жорий этилди, Жамоат хавфсизлиги



университетида «Ҳарбий ватанпарварлик, маънавий-маърифий тарбия ва ёшлар билан ижтимоий ишлаш» кафедраси ташкил этилди.

Бугунги кунда Жамоат хавфсизлиги университети «Ҳарбий ватанпарварлик, маънавий-маърифий тарбия ва ёшлар билан ижтимоий ишлаш» кафедраси профессор-ўқитувчилари томонидан “Мехрибонлик” уйлари директор ўринбосарлари билан алоҳида ўқув дастури асосида онлайн машғулотлар ташкил этиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни тарбиялашнинг тубдан янгиланган тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5215-сон қарори мазмун-моҳиятидан шуни англаш мумкинки, ушбу тоифадаги болаларни “Мехрибонлик” уйлари ёки болалар шаҳарчаларида эмас имкон қадар оила мухитида вояга етказишга ҳаракат қилинади. Албатта, буни илмий ва амалий жиҳатдан асосланган, мақбул йўл сифатида баҳолаш мумкин.

Мамлакатимизда мазкур йўналишдаги ишлар самарадорлигини ошириш, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни хаётга ижтимоийлашувини тўғри ташкил этиш мақсадида, қуйидагилар тавсия этилади:

истиқболда “Мехрибонлик” уйлари ва болалар шаҳарчаларида тарбияланувчилар сонининг камайиши ва бунинг натижасида ушбу муассасалардаги тарбиячи-мутахассисларнинг ишсиз қолишидан келиб чиқсан ҳолда, уларни патронат хизматига жалб этиш;

ишсиз олган тарбиячилар ва бола асраб олиш истаги бор ота-оналар ҳисобидан фостер оиласларни шакллантириш, уларни Жамоат хавфсизлиги университети «Ҳарбий ватанпарварлик, маънавий-маърифий тарбия ва ёшлар билан ижтимоий ишлаш» кафедраси томонидан маҳсус курсларда тайёргарликдан ўтишларини ташкиллаштириш;

етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни асраб олиш бўйича қонунчилик базасини такомиллаштириш;

илғор хориж тажрибаларидан келиб чиқсан ҳолда, фостер оиласларни қўллаб-қувватлаш ва уларга имтиёзлар тизимини ташкил этиш борасида чора-тадбирларни жадаллаштириш;

“Мехрибонлик” уйлариваболаларшаҳарчаларитарбияланувчиларининг ижтимоийлашуви, қасб-хунар эгаллашлари, муассасадан чиқсандан кейинги тақдири бўйича тизимли мониторинг ишларини амалга ошириб бориши;

“Мехрибонлик” уйлариваболаларшаҳарчаларитарбияланувчиларининг ижтимоийлашуви масалалари бўйича фундаментал тадқиқотларни амалга ошириш.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, инсон ҳаётида оила мухим ўринга эга ва унинг ижтимоийлашуvida ҳам оила етакчи вазифани ўтайди. Шундай экан, тарбияланувчиларни имкон қадар оила бағрига қайтишига ҳаракат қилиш, бу борадаги тўсиқларни бартараф этиш, энг мухими, боланинг лаёқатга эга ота-оналар бағрига қайтариш ғоят мухим масала ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Киргинцева А.Д. Особенности социализации воспитанников детских домов // https://elar.urfu.ru/bitstream/10995/50770/1/978-5-8019-0294-4_2012_297.pdf
2. Бреева Е.Б. Социальное сиротство. Опыт социологического обследования // Социологические исследования. 2011. № 4. С. 12-15.
3. Эгамбердиева Н. Ижтимоий педагогика. Дарслик. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти Тошкент — 2009. 85-б. (www.ziyouz.com/kutubxonasi)
4. Асқарова Ў.М. Мехрибонлик уйлари тарбияланувчиларини ижтимоий ҳаётга тайёрлашнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш / педагогика фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация иши Т.: -2019
5. Юсупова Г.Р. Мехрибонлик уйлари тарбияланувчиларида толерантлик фазилатини шакллантириш технологияси / педагогика фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация иши Т.: -2011
6. Хайдаров И.О. Мехрибонлик уйида тарбияланувчилар шахсининг инвидуал ва ижтимоий психологик хусусиятлари / психология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация иши Т.: -1996
7. <https://president.uz/uz/lists/view/4517>
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 августдаги ПҚ-5215-сон “Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни тарбиялашнинг тубдан янгилangan тизимини жорий этиш чоратадбирлари тўғрисида”ги // <https://lex.uz/ru/docs/5570968>